

# ДАНҒАРА ТУМАН ПРОКУРОРИ УБАЙДУЛЛАЕВ АКМАЛЖОН ҒАЙРАТОВИЧНИНГ АҲОЛИ ВА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИККА МУРОЖААТИ

1

## **Данғара туман прокурори Убайдуллаев Акмалжон Ғайратовичнинг аҳоли ва кенг жамоатчиликка мурожаати**

### **Азиз ватандошлар!**

Маълумки, инсоният ўз тараққиётининг қанчалик юксак чўққиларини забт этмасин, турли хавфхатарлар ва иллатлардан халос бўлгани йўқ.

Янги Ўзбекистонни қуриш пайтида бошланган ишлар ҳар биримиздан жамиятда кечаётган жараёнларга бефарқ бўлмасликни ўзаро жисплашиб, тараққиётмизга тўсиқ бўлаётган мавжуд иллатларни бартараф қилишда ҳамжиҳатликни тақозо қиласди.

Ҳеч шубҳасиз, жамият фаровонлиги ва тараққиётига тўсиқ бўлаётган ана шундай иллатлардан бири ва энг хавфлиси бу **коррупциядир**.

Маълумки, Давлатимиз раҳбари **Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг** ташабbusлари ва қатъий сиёсий иродалари билан мамлакатимизда бу иллатга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда.

Энг аввало, ҳуқуқий асосларини яратишга эътибор берилиб, **70** дан ортиқ қонун ҳужжатлари, жумладан алоҳида қонун, фармон ва давлат дастурлари қабул қилинди.

2

### **Хўш, коррупция нимаси билан хавфли?**

Коррупция ҳар қандай жамиятни таг-томири билан емирувчи, фуқароларнинг давлатга, қонунга бўлган ишончини сусайтирувчи, йўққа чиқарувчи иллатdir.

Коррупция аввало, ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида турли тўсиқ ва ғовларни юзага келтиради, уларнинг эртанги кунга ишончини сусайтиради.

Коррупция инвесторлар ҳуқуқлари бузилишига, мулк даҳлсизлиги кафолатларини йўққа чиқаришга, мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги йўқолишига олиб келади.

Бинобарин, бутун жамиятда коррупцияга қарши муросасиз кураш олиб бориш бугунги кунда прокуратура органларининг энг устувор вазифасидир.

Айни пайтда прокуратура тизимининг ўзида коррупциявий ҳолатларга тамомила барҳам бериш бўйича ҳам кескин чоралар кўрилмоқда.

Бу борадаги ишларни янада самарали рўёбга чиқариш учун эса, прокуратура органлари аввало, кенг жамоатчилик, хусусан, оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар вакиллари, журналист ва блогерлар, энг муҳими ҳар бир фуқаронинг кўмаги ва узвий ҳамкорлигига таянади.

### **Хурматли юртдошлар!**

Коррупцияга қарши курашда олдинги сафларда бораётган прокуратура ана шундай кўмак ва ҳамкорлик воситасида коррупциянинг ҳар қандай кўринишига чек қўйишга кафолат беради.

Шундай экан, аҳоли ва кенг жамоатчиликни жамиятда, хусусан прокуратура органларида коррупцияни таг-томири билан бартараф этишда фаол ҳамкорликка чақираман.

Агар корхона, муассаса ва тегишли ташкилотларда, шунингдек, туман прокуратурасининг бирор-  
~~бир-ходими фаолиятида коррупция билан боғлиқ ҳатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизликни кузатсангиз,~~  
сезсангиз бу ҳақида зудлик билан **73-572-1007** рақамли “**Ишонч телефони**”га маълум  
қилишингизни сўрайман.

Коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар берган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг сир

---

сақланиши түлиқ кафолатланади.

Шуни яна бир бор алоҳида қайд этаманки, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига тезкор равишда муносабат билдиришга, коррупциявий жиноятлар, жумладан порахўрлик ва таъмагирликка қўл урганларга нисбатан жазонинг миақаррар таъминланишига шахсан кафолат бераман.

**Барчамиз коррупциядан холи Янги Ўзбекистон учун бирлашайлик.**

**[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг](#)**

[Facebook](#),

2022-02-18 16:58:51